

МУЛТИЦЕПТОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ИТЛАР ОРАСИДА ТАРҚАЛИШИ

*Газнақулоа Т.К. в.ф.н., катта илмий ходим
Аминжонов Ш.М. в.ф.д. катта илмий ходим
Ветеринария-илмий тадқиқот институти*

Аннотация. Мақолада ценуроз касаллигининг тарқалишида асосий тарқатувчиси бўлган итларнинг организмида мултицепс-мултицепснинг ривожланиши ва бу касалликнинг тарқалишида итлар асосий сабабчи бўлишини, бундан 100 йил аввал Холл (1910) ёзиб қолдирган. Унинг фикрича, мултицепслар фақат итнинг ичагида ривожланади. Шунинг учун итлар ценуроз касаллигининг келиб чиқиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутишига этибор берилган. Минтақалар орасида итларнинг мултицепслар билан зарарланиши кўпроқ тоғ-олди минтақасига тўғри келган, чул биёбон минтақасида сурув итларининг зарарланиши, қишлоқ итларининг зарарланиши, йил фаслларига қараб зарарланиш натижалари ёритилган. Ит оиласига кирувчи ҳайвонлар, яъни бўри, тулки, шағол ва мушуклар касалликнинг тарқалишида иккиламчи вазифани бажариши ценуроз касаллигининг табиатда тарқалишида муҳум аҳамиятга эга эмаслиги муаллифларнинг ишларида ёрқин намоён этилган.

Калит сўзлар. Ценуроз, мултицепс, паразит, ит, бўри, тулки, шағол, мушук.

Мавзунинг долзарблиги. Ҳайвонларнинг паразитар касалликлари шу муаммоларни самарали ҳал этишга катта тўсқинлик қилмоқда. Бу касалликлар орасида қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг ценурози асосий ўринни эгаллайди. Касаллик кўп мамлакатларда чорвачилик, хусусан қўйчиликка ихтисослашган хўжаликларда кенг тарқалган бўлиб, чорвачиликни ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Ценуроз – қишлоқ хўжалик ҳайвонлари, айниқса қўйларнинг ўта оғир кечадиган охири ўлим билан тугайдиган паразитар касалликларидан бири ҳисобланади. Касалликни *Multiceps multiceps* итларнинг ингичка ичагида ривожланади. Унинг личинка шакли (*Coenuris cerebralis*) асосан қўй эчкилар ва бошқа к/х ҳайвонларнинг миясида турлича катталиқдаги пуфакчалар пайдо бўлади ва улар ценурлар деб аталади. Ценуроз касаллиги ҳайвонлардан ташқари одамларда ҳам учрайди.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ценуроз касаллигини қишлоқ хўжалик ҳайвонлари орасида асосий тарқатувчиси итлар ҳисобланади. Итлар оиласига кирувчи ҳайвонлар яъни, бўри, тулки, шағал ва мушуклар эса касалликнинг тарқалишида иккиламчи вазифани бажаради. Э.Эргашев (1958) Самарқанд вилояти ҳудудларида 6 бош ёввойи мушукни текширган. Дарҳақиқат улардан биронтасида ҳам мултицепсларни кузатмади. П.Мўминов (1965) ҳам республикамизнинг турли ҳудудларида текширилган 32 бош ёввойи мушукларда мултицепсларни аниқланмади. Бухоро вилояти ҳудудларида Р.Бекиров (1968) томонидан текширилган 26 бош ёввойи мушукда ҳам паразит кузатилмади. Ўзбекистоннинг турли туманларида Э.Эргашев ва В.Содиқов (1965)-лар 45 бош тулкини текширганда улардан 2 тасида етилмаган мултицепслар аниқланди. Муаллифларнинг фикри бўйича ценуроз касаллигининг табиатда тарқалишида тулкилар иккиламчи аҳамиятга эга.

Н.Матжанов ва Р.Бекировлар томонидан (1968) Бухоро вилоятининг турли туманларида кузатилган 52 бош тулки ҳам мултицепслардан холи чиқди. Муаллифлар лаборатория шароитида 4 бош тулки ва 4 бош ит болаларини ценур протосколекслари билан сунъий зарарлантирганда ит болаларидан ҳаммаси зарарланди, 162 дона протосколекс олган тулкилардан биттасининг ичагида 4 дона мултицепс кузатилди. Р.Бекиров (1989) Республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларида текширган 34 бош уй мушуги, 46 бош тулки, 29 бош шохол ва 3 бош бўрининг биронтасида ҳам мултицепслар топилмади. Уларнинг мултицепслар билан зарарланмаслиги тугрисида бошқа давлатларнинг олимлари ҳам кайд этиб ўтишган. Масалан, А.М.Петров ва Л.Ф.Потехина (1953) Тожикистон Республикасининг ҳудудларида текширган 2 бошбўри паразитдан холи эди. Мордова Республикасида Ф.Н.Морозов (1951) текширган 20 бош бурида ҳам мултицепслар

Кузатилмади. Мультицепслар А.И.Агапова (1950) томонидан текширилган 122 бош, В.И.Бондарева текширган (1963) 37, Н.Т.Қодиров текширган (1959) 20 ва С.Д.Ульянов ва А.Б.Байдалиевлар (1961) текширган 28 бош бўрида кузатмади. Лаборатория шароитда В.И.Бондарева ва бошқалар (1957) томонидан сунъий зарарлантирилган 4 бош тулкидан биттасида паразит ривожланди. Назоратда бўлган 2 бош ит эса ҳаммаси зарарланди.

Касалликнинг тарқалишида шоголларни «хизматини аниқлаш мақсадида бошка республикаларда олиб борилган тадқиқотлар, жумладан, Тожикистонда Л.Ф.Потехина (1953), В.И.Чернишев (1954), Озарбайжонда И.А.Содиқов (1953), Жанубий Қозоғистонда С.Д.Ульянов (1957) шуни кўрсатдики, мультицепслар ушбу ҳайвоннинг организмида мослашмаган ва у ценуроз касаллигининг тарқалишида муҳим эпизоотик аҳамиятга эга эмас. Демак, ценуроз касаллигини тарқалишида итларни ҳисобламаганда ит оиласига кирувчи бошка ҳайвонлар эпизоотик ва эпидемиологик аҳамиятга эга бўлолмайди. Итлар бу касалликнинг тарқалишига асосий сабабчи бўлишини бундан 100 йил аввал Холл (1910) ёзиб қолдирган. Унинг фикрича, мультицепслар фақат итнинг ичагида ривожланади. Шунинг учун итлар ценуроз касаллигининг келиб чиқиши ва ривожланишида муҳим ўрин тутишига эътибор берилган. У.Усаров (1993) Олмата вилоятининг турли ҳудудларида ҳар хил хизматда бўлган итларни текширганда улар мультицепслар билан ўртача 12,4 фоиз зарарланганлиги тасдиқланди.

Минтақалар орасида итларнинг мультицепслар билан зарарланиши купрок тоғ олди минтақасига тўғри келган ва бу борадаги кўрсаткич 22,3-36,3 фоизни ташкил этган. Тоғ ва чўлбиёбон минтақаларида итларнинг ушбу паразит билан зарарланиши 10,5 фоиздан ошмаган. Тоғ олди минтақасида жойлашган кишлокларда итлар купрок зарарланган (21,2 фоиз). Кейинги йилларда Қозоғистон ҳудудларида И.З.Муханов (1995) олиб борган тадқиқотларга қараганда Республика бўйича итларнинг мультицепслар билан ўртача зарарланиши 5,6 фоизга тенг. Аммо бу далил, муаллифнинг фикрича, ҳамма минтақаларга мос келмайди. Жумладан, чўл-биёбон минтақасида сурув итларнинг зарарланиши 9,8 фоизга тенг. Кишлоқ итларининг зарарланиши 5,3 фоиздан ошмайди. Тадқиқотчи йилнинг фаслларига қараб итларнинг мультицепслар билан зарарланишида маълум тафовутларни кузатди. Масалан, баҳорда сурувдаги итлар 5,3 фоизга, кишлок итлари 9,08 фоизга зарарланган бўлса, ёз фаслида эса бу борадаги кўрсаткич тегишлича 2,6 ва 6,9 фоизга тенг бўлган. Чўл минтақасининг шимолий қисмида итлар мультицепслар билан киш ойларида 1,3 фоизга, баҳор ойларида 9,0 фоизга, ёз ойларида 5,2 фоизга ва куз ойларида 6,2 фоизга зарарланган. Шу минтақанинг жанубида кўрсатилган фаслларда итларнинг зарарланиши тегишлича 3,8, 5,2; 1,2 ва 7,7 фоизни ташкил этди. А.Абдурасулов (1998) Туркменистоннинг Сундукли массивида текширилган 441 бош итдан 198 тасида ёки 44,9 фоизда мультицепслар кузатди, жумладаи 122 сурув итдан 13 боши арланган, Сундукли массивида жойлашган кишлоклардаги итлардан 185 таси зарарланганлиги аниқланди. Муаллифнинг таъкидлашича, Сундукли массивида жойлашган қорақўлчилик хўжаликлари қўйларининг ценуроз касаллиги билан зарарланишига асосан кишлок итлари сабабчи бўлмоқда. В.И.Бондарева (1963) нинг кузатишича сурув итлар кўпроқ мультицепслар билан зарарланади. У бундай итлар мультицепслар билан 23,0 фоизгача зарарланганлигига, зарарланиш кўпроқ баҳор фаслига тўғри келишига гувоҳ бўлган. Тадқиқотчининг фикрича бунга сабаб баҳор фаслида итларни зарарланиши шу муддатда қўйлар орасида ценуроз касаллиги кўпроқ учрашидир.

Қозоғистон кўйчилиги ценуроз касаллигидан ҳамон жиддий зарар кўрмоқда. Бу фикрни тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, А.И.Абдибекова (2001) нинг маълумотларига қараганда Жамбил вилоятида итларнинг мультицепслар билан ўртача зарарланиши 14,9 фоизга тенг. Аниқроғи паразит текширилган 171 бош итдан 23 тасида кузатилган (20,0 фоиз). Р.Бекиров (1989) шаҳар ва кишлок итларининг мультицепслар билан зарарланишини таққослаб ўрганди. Бунда текширилган 311 бош шаҳар итидан 3,54 фоизи, 448 бош кишлок итларидан 10,4 фоиз паразит билан зарарлангани аниқланди.

Итларнинг мультицепслар билан йил фаслларига қараб зарарланишини ўрганиш бўйича Э.Эргашев ва В.Содиқовлар (1966) олиб борган текширишлар кўрсатдики, юкори

зарарланиш биринчи ва иккинчи фаслларга тўғри келар экан. Муаллифлар мултицептоз касаллигига кўпинча 2-4 яшар итлар мойиллигини ҳам кузатганди. Мултицепслар билан итларнинг зарарланиши йилнинг фаслларига боғлиқлигини В.Баротов (1970) ҳам ўз тажрибаларида исботлади. Масалан, иккинчи фаслда текширилган 21 бош итдан 7 тасида ёки 33,3 фоизида мултицепслар топилди. Биринчи фаслда 26 та итдан 6 тасида ёки 23 фоизи зарарланган эди. Мултицепслар билан зарарланиш бошқа фаслларда, жумладан, учинчи фаслда 15,3 фоиз ва тўртинчи фаслда 9,09 фоизни ташкил этди. Кашкадарё вилоятида Ш.Азимов, Р.Бекиров ва З.Жумаев (1975) лар 36 бош итни текширганда 66,6 фоизи ёки 24 тасида мултицепслар кузатдилар. М.Мусинов (1986) томонидан республикамизнинг турли минтақаларида текширган 57 бош сурув итнинг 24 боши (42,1 фоизи) да, 53 бош қишлоқ итдан 22 бошида (41,5 фоиз) мултицепслар кузатилди. Муаллифнинг маълумотлари бўйича итлар хизмат турларига қарамасдан мултицепслар билан юқори даражада зарарланган. Муаллиф (1988) кейинги тадқиқотларида итларнинг мултицепслар билан зарарланишида минтақаларо тафовутлар борлигини кузатди. Чунончи, бундай зарарланиш тоқ ва тоғолди минтақасида итларнинг зарарланиши 34,25 фоизга, чўл-биёбон минтақасида 32,18 фоизга, суғориладиган минтақада 27,64 фоизга тенг эди.

Бухоро вилоятининг қорақўлчилик хўжаликлари билан чегарадош, бу соҳа ривожланган қишлоқларда мавжуд 4090 та итни текширган Б.Ҳакимов (1990) уларнинг 969 тасида ёки 23,6 фоизида мултицепсларни кузатди. Муаллифнинг (1999) фикрига қараганда, қорукўлчилик хўжаликлари билан чегарадош қишлоқларнинг итлари мултицепслар билан юқори даражада бу 23,4 фоизга зарарланган.

Т.Ғазнакулов (1998) Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани хўжаликларидаги 769 бош қишлоқ итларини текширганда 96 тасида мултицепсларни кузатди (12,4 фоиз), Хатирчи туманида 696 та итдан паразит билан 111 ёки 16,3 фоизи зарарланганлигини қайд этди. Т.Бойсугиров, Х.Арзиев (2000) келтирган маълумотлари бўйича Қизилқум массивидаги овул итлари 19,9 фоиздан 64,5 фоизгача зарарланган.

Ўзбекистон шароитида итларнинг ценурозга эпизоотик хизмати ўрганилганлигини ҳисобга олган ҳолда кейинги 20-25 йил мобайнида ахвол қандай кечаётганлиги юзасидан мукамал тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, қорақўлчилик ривожланган вилоятларда, туманларда, хўжалиқларда турли хизматда бўлган итлар назоратдан ўтказилди. Бу жараёндаги текширув асосида, суғориладиган минтақадаги қишлоқ итлари эса 4 гуруҳга бўлиб: қорақўлчилик хўжалиқларига чегарадош қишлоқ итлари, бу соҳа ривожланган қишлоқ итлари, қорақўлчилик ривожланмаган қишлоқ итлари ва кўйлар бўлмаган қишлоқ итлари, сурув ва хўжалик ҳудудидаги қишлоқ, овул итлари текширилди. Бунда текширилган 22295 бош итдан 5319 таси, яъни 23,8 фоизи мултицепслар билан зарарлангани аниқланди (5-жадвал ва харита). Бу борадаги кўрсаткич Хоразм вилоятида 49,0 фоизни, Қорақалпоғистонда 37,5 фоизни, Бухоро вилоятида 25,9 фоизни ташкил этган бўлса, Навоий вилоятида 23,5 фоиз, Самарқандда 19,7 фоиз, Қашқадарёда - 20,4 фоиз ва ниҳоят, Сурхондарё вилоятида 16,9 фоиздан ошмади. 6-жадвалда келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибдики, тоғ ва тоғ олди минтақасида итлар ўртача 20,2 фоизга, чул-биёбон минтақасида 27,4 фоизга, суғориладиган минтақада 23,5 фоизга зарарланган.

Бухоро вилояти хўжалиқларида олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларидан хулоса чиқариш мумкинки, текширилган 5295 бош итдан 1374 таси ёки 25,9 фоизи зарарланган (5-жадвал). Итларнинг мултицепслар билан юқори даражада зарарланиши «Олот» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган қишлоқлардаги итлардан кузатилди (40,8 фоиз). Бундан ҳам юқори зарарланиш «Қоравулбозор» (56,2 фоиз), «Қизилравот» (70,0 фоиз) ва бошқа хўжалиқлар қишлоқларидаги итларда аниқланди.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотларнинг қисқача таҳлилидан кўринмоқдаки, кўйларнинг ценуроз касаллиги тарқалишида бирдан бир сабабчи итлар ҳисобланади.

Таҳлил натижаларидан маълум бўладики, қоракулчилик хўжаликларида ценуроз касаллиги тарқалишига кўпинча хўжаликлар худудларида жойлашган ва аулларга чегарадош кишлоқларнинг итлари сабабчидир.

Чунки бу итлар сурув итларига қараганда мунтазам гижжасизлантирилмайди, гижжасизлантирганда итлар боғланмайди. Оқибатда улар мултицепсларнинг тухумларини яйлов ва сувларга тарқалишига ва қуйларнинг зарарланиши учун доимий маънба булиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Аминжонов, Ш., & Газнакулов, Т. (2023). Препараты для профилактики и лечения ценуроза каракульских овец. *in Library*, 4(4), 336-340.
2. Аминжонов, Ш. М., & Газнакулов, Т. К. (2023). Научно-исследовательский институт ветеринарии, Тайляк, Узбекистан В статье приведены данные по профилактике ценуроза каракульских овец для создания способов получения биосовместимых, безвредных и экологически безопасных антигельминтных средств растительного происхождения. Ключевые слова. ценуроз, антигельминтики, патенты, вакцины, растения, препараты. *ББК 1 А28*, 23.
3. Аминжонов, Ш. М., & Газнакулов, Т. К. (2023). ПРОФИЛАКТИКА ЦЕНУРОЗА КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ. In *Advances in Science and Technology* (pp. 23-26).
4. Газнакулов, Т. К., & Аминжонов, Ш. М. (2024). ЗООАНТРОПАНОЗ ИНВАЗИОН КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЦЕНУРОЗНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ДИАГНОСТИКАСИ ВА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРА ТАДБИРЛАРИ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 44(3), 30-34.
5. Аминжонов, Ш. М. (2011). Қўйлар эхинококкоз касаллигига қарши вакцинани гематологик текшириш. *Зооветеринария.–Тошкент*, (8), 17-19.
6. Аминжонов, Ш. М., & Довгий, Ю. Изучение ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786) в организме у промежуточных хозяев. *Вестник житомирского национального агроэкологического университета*, (1), 7-10.
7. Аминжонов, Ш. М., & Аминжонов, М. А. (2009). Эхинококкознинг иқтисодий ва ижтимоий зарари. *Ж. ”Зооветеринария*, 7.
8. Аминжонов, Ш. М. (2018). Ҳайвонларнинг асосий цестодозлари ва уларга қарши иммунопрофилактика тадбирларини ишлаб чиқиш. *Вет. фан. док... дисс. автореф.–Самарқанд: СамВМИ*, 22.
9. Аминжонов, Ш. (2010). Роль дегельминтизации собак при цестодозах. *in Library*, 3(3), 29-30.
10. Аминжонов, Ш. (2016). Меры борьбы с эхинококком и ценурозом животных в Узбекистане. *in Library*, 16(4), 58-62.
11. Aminjonov, S. M. (2016). MEASURES AGAINST ECHINOCOCCUS AND COENUROSI OF ANIMALS IN UZBEKISTAN. *Путь науки*, 1(11), 58-62.
12. Аминжонов, Ш., & Довгий, Ю. (2012). Изучене строения ларвоцисты *Echinococcus granulosus* (Batsch 1786) в организме промежуточных хозяев. *in Library*, 12(3), 7-10.
13. Аминжонов, Ш., Аминжонов, М., Довгий, Ю., & Драгальчук, А. (2012). Морфология личиночной формы *Echinococcus granulosus* (Batsch, 1786). *in Library*, 1(1), 3-6.
14. Аминжонов, Ш. (2012). Некоторые наблюдения по вакцинации собак против эхинококкоза. *in Library*, 1(1), 27-29.
15. Аминжонов, Ш. (2011). Гематологическая оценка эхинококкозовой вакцины овец. *in Library*, 3(3), 17-19.
16. Аминжонов, Ш. (2011). Распространение цист эхинококкоза у овец. *in Library*, 1(1), 26-26.
17. Аминжонов, Ш. (2011). Иммуногенность вакцины против эхинококкоза овец. *in Library*, 3(3), 20-25.

18. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2011). Развитие ларвакисты *Echinococcus granulosus* в организмах промежуточного хозяина. *in Library*, 3(3), 3-20.
19. Аминжонов, Ш. (2010). Особенности дегельминтизации собак при цестодозах. *in Library*, 3(3), 93-98.
20. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2009). Эхинококкос. *in Library*, 2(2), 18-19.
21. Аминжонов, Ш. (2009). Об эхинококкозе лошадей. *in Library*, 4(4).
22. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Инфекционные болезни животных и вакцины против них. *in Library*, 2(2), 32-35.
23. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Иммуногенность эхинококкозовой вакцины овец. *in Library*, 2(2), 32-35.
24. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2001). Эхинококкоз и опыт борьбы с ним в Узбекистане. *in Library*, 1(1), 79-80.
25. Аминжонов, Ш. (2024). Заражение собак эхинококкозом и мультисептозом в хозяйствах Нурабадского района. *in Library*, 1(1), 17-18.
26. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2009). Эхинококкоз и исследования в Узбекистане. *in Library*, 4(4), 13-19.
27. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2009). Эффективность вакцины для профилактики мультицептоза собак. *in Library*, 3(3), 152-155.
28. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2006). Вакцины для профилактики паразитарных болезней сельскохозяйственных животных. *in Library*, 3(3), 344-345.
29. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2006). Испытания антигельминтиков при мультицептозе собак. *in Library*, 3(3), 49-51.
30. Аминжонов, Ш., & Аминжанов, М. (2006). Комиссионное испытание вакцины против эхинококкоза овец. *in Library*, 1(1), 47-48.
31. Аминжонов, Ш., & Аминжанов, М. (2005). Природный очаг ценуроза в Кызылкумах центральной Азии. *in Library*, 2(2), 26-28.
32. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2005). Диагностика вакцинированных овец вакциной против эхинококкоза. *in Library*, 2(2), 353-354.
33. Аминжонов, Ш. (2004). Изучение цестод собак в Республике Каракалпакстан. *in Library*, 1(1), 19-20.
34. Аминжонов, Ш. (2004). Заражение борзых первичными цестодами. *in Library*, 1(1), 37-40.
35. Аминжонов, Ш. (2004). Изучение зараженности собак цестодами в горном и предгорном регионе. *in Library*, 1(1), 12-13.
36. Аминжонов, Ш., Аминжонов, М., & Расулов, Ш. (2003). Вакцина для профилактики эхинококкоза животных. *in Library*, 3(3), 80-80.
37. Аминжонов, Ш., & Аминжонов, М. (2002). Иммунопрофилактика эхинококкоза в Узбекистане. *in Library*, 3(3), 290-291.